

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат  
Архитектура - Қурилиш Институти

“Архитектура” факультети  
“Касб таълими” кафедраси



## ***Диплом лойиҳасининг ТУШУНТИРИШ ХАТИ***

**Мавзу:** Махобатли бадий керамик композициясини яратиш ва  
уни ўқитиш услуги.

Кафедра мудири: доц. Рахимов А.Қ.  
Раҳбар: доц.Султонова Д.  
Битирувчи: 402- КТ(С)  
гуруҳи талабаси Хамитова Озода.

Самарқанд 2015- йил

## *МУНДАРИЖА*

### 1. Кириш

.....

### 2. М а в з у н и

а с о с л а ш .....

а) кулолчилик санъати

.....

б) ижодий кетмакетлик

.....

## 2. Ўқув услубий қисм

.....

## 3. Атроф мухит муҳофазаси

.....

## 4. Хаётий фаолият хавфсизлиги

.....

## 5. Иловалар

.....

## 6. Адабётлар

.....

7.

Хулоса.....

.....

## Кириш

Ўзбекистон Республикасида халқ таълими тўғрисидаги Кадрлар тайерлаш миллий дастури Олий ва ўрта таълим тизими олдига юксак маънавий мафкуравий миллий ахлоқий меҳнат интеллектуал енг ҳаётий ва жисмоний соғлом авлод яратишда юксак вазифалар қўйди. Маълумки баркамол авлодни шакллантириш кўп жиҳатдан тарбиячи педагогик ота-она устозларнинг маҳоратига боғлиқ. Ўқитувчининг ўрни ва унинг шарафли вазифали ўқитувчилик касби шон-шарафи ва машақатлари бугун ҳам мустақил республикамызда янада юксакроқ кадрламоқда.

Бугунги ўқитувчи –мактабда ўқитувчи раҳбар маънавий ва маърифат тарғиботчиси методик бирлашмаларда иш олиб борувчи ота-оналар ва жамиятчиликка маъруза ўқишда суҳбатлар олиб боради .У педогогик психалогик ва янги педагогик технологик билимлар тарғиботчиси. Ана шуларга кўра инсонпарварлар демократик жамият ўқувчиларига қуйидаги хислатларга бўлишини талаб этади. Ўқитувчи ватанга халққа содиқлиги болаларни севишни уларни инсонпарварлик руҳида камол топишга кўмак берувчи олийжаноблиги ақл-фаросати маънавий поклиги маънавийт

ва мафкурани юксак даражада болаларга синдира бориш болаларни уйғониш руҳида тарбиялаш уларда миллий онг миллий ғурур миллатпарварликни оила табиат жамиятга касбга муҳаббатли қилиб шаклантириш ва атрофлича билимга ега бўлиш ўз фони бўйича чуқур билим юксак махорат сохиби бўлиш . Бу каби талаблар ёшларга ўзларининг келгусида ўқитувчилик касбини тўғри ва онгли равишда танлаб олишларга ёрдам беради.

Ўқитувчи бўлиб туғулмайди аммо ўқитувчиликни инсон ўзида шакллантиради .Кейинги даврда мохирлик ва махорат илмини амалиётини анча ривожлантирилган олим академик И.А .Каримов асарлари ва нутқаларида ижодий наунавий манбалар ўз ифодасини топган . Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А Каримов Баркамол авлод –Ўзбекистон келажагининг пойдевори нутқида Бизга мактабининг битирувчилари емас мактаб тарбиясини кўрганлар яъни билим касб –ҳунарни егаллаган ёшлар кераклигини мактабда мохирлигини егаллаш йўлида киритишни такидлаб мохирлик бу фахм-фаросат чинаккам илмий билим ҳақиқий ҳаётий тарбия турмушидаги қийинчиликларни енгувчи мувафқиятлардан завқ олиб яхши ният яхши сўз яхши илимлик сари ўзини илхомлантиралдиган ёшлар кераклигини кўрсатиб ўтадилар.



**МАВЗУНИ АСОСЛАШ**

## **МАВЗУНИ АСОСЛАШ**

Ҳар бир инсон бирор олдин ишни бошлашдан олдин уни мукумал булиши учун режа ёни эскиз қилинади. Манам ушбу битириб малакавий ишини бошлашдан олдин уни эскизи устида ишладим ва кўп зиёратгоҳларда бўлдим. Устозларим ёрдамлари билан мукамаллаштирдим мана битирув малакавий ишимнинг мавзуси “КУЛОЛЧИЛИК” услубида бўлиб, махобатли бадий керамик композициясини яратиш яъни деворий пано яшаш ва уни ўқитиш услуби. Ман ушбу мавзунини малакавий иш қилишимга сабаб кулолчилик санъатига қизиқишим сабаб бўлди. Бу мавзуда ишни бошлаш учун биринчи навбатда чизган эскизимизни ҳақиқий катталигида эскизни чизиб оламиз яъни картонча энди кулолчиликда деворий композициямни ишлаш учун устохонадиги махсус идишга 2 қоп гилмояни сув билан ивитиш лоой ҳолатида

келтирдим. Тайёр бўлган лойни полни устига девене қўйиб ҳақиқий катталигида мослаб 5-6 см яъни керакли калинлигида тахлаб чиқдим. Тахланган лойни чизилган композициямни ёғозли пичоқ ёрдамида яъни стен ёрдамида композициямни нусхасини қўчирдим. Нусха ўткандан кейин керакли жойларини резак ёрдамида ишлов бердим ва уни махсус резак ёрдамида қолиб олиш учун бир неча қисмларга бўлиб чиқдим ва қолиб олиш даражага етказдим.

Махсус идишга гипс солиб гипс юзасини қоплабдиган даражада сув солдим ва уни аста секинлик билан аралаштириб, тайёр бўлган аралашмани қоришмали кесилган модел устига ёйиб чиқдим. Гипс қатгандан кейин гилмояли моделни чиқариб оламиз. Тайёр қолибни қуёш ёрдамида қуритилади.

Олти сатил ер тупроқ икки сатил гилмоя солиб устидан сув соламиз то ботгунча бир кун давомида туриши керак. Бир кундан кейин яна сув солиб суюқ ҳолатда келтириб махсус бошқа идишга элакдан ўтказамиз. Яна бир бир кун давомида тиндириб юзага ажралиб чиққан сувни олиб ташланади. Ёғочли ёки гипсли идишга мато тўшаб тайёр суюқ лойни соламиз. То суви қочиб пластилин холига ёки кўлга ёпишмайдиган даражада келгандан кейин яна

бир кун дамлаб қўямиз. Маълум вақт ўткандан кейин уни муштлаб чиқамиз то хавоси чиққунча муштлаймиз 5-6 см қалинлигда ёйиб чиқамиз. Тайёр ёйилган лойни қолибга жойлаштириб чиқамиз.

Тахланган лойни падушкача ёрдамида бурчакли жойларнинг тиндирамиз яна 4 соат кутамиз ва қолибдан оламиз қолибдан олгандан кейин ўйма чизикларни чизиб чикдим ва уни печкада 970.000 ўртадаги иссиқликда 4-5 соат мобайнида пишириб оламиз пишган ишимизни токни ўчириб бир кун мобайнида печка совушини кутиб совгандан кейин оламиз.

Агар совумасдан олсак шиши мумкин совган ишларимизни печкадан эҳтиёт бўлиб оламиз. Ундан кейин ишларимизни ранглаш жараёнида ўтамиз. Ранглашдан олдин ёрилган жойларини махсус килей ёрдамида уни силиклаб чиқамиз. Ранглаш учун етарли рангларни тайёрлаб оламиз. Ман ишимни ранглаш жараёнида оқ, кўк, ва оч яшил ранглардан фойдаландим. Ман деворий композицияни факультет деканамиз тавсия килган жойга олдим. Диплом иши Архитектура факультети 2 каватида чиқиш тарафига жойлаштирдим. Шу билан ишим тугади.

## **Кулолчилик санъати**

Кулолчилик хунармандчиликнинг лой (гилдан) турли буюмлар (тери, катта сапол идиш, кўза ва бошқалар) тайёрланган турли кадимда асосий хомашё тупрокдан келиб чиққан ва таркиби турилича бўлган тупроклардан турли хил керамик махсулотлари тайёрланади. Лой қанча кўп ишлатилса, сополни сифати шнча яхши бўлади. Асосий кулолчилик чархи, уста унда идишлар

қилиниб хумдонда қиздирилган идишларнинг турларига кўра хумдонлар ҳам турлича катталиқда бўлиши мумкин. Идишларнинг турлига кўра сирланадиган идишлар, сирлангандан сўнг бир бор хумдонда қиздирилади. Одатда хумдонлар маълум идишда ихтисослашган бўладилар (масалан, косалар, кўзалар, кошинос, тандирни ва бошқалар).

Инсон кулолчилик билан неолит даврида шуғулланган. Махсус буюмлардан лойдан кўлда ясалган қуришиб оловда қиздирилган қадимда ишлатилган тупроқ жахоннинг ҳамма ерида мавжудлиги деярли ҳамма, халқларда кулолчиликнинг кенг тарқалганлигини таъминлайди. Кулолчилик билан дастлаб аёллар шуғулланган, кулолчилик чархининг пайдо бўлиши билан эркаклар ҳам бу ишга жалб қилинган. Идишлар махсус ўчоқ ва хумдонларда пиширилган кулолчиликнинг содда усуллари Осиёнинг тоғли районларида яшовчи халқларида ҳозир ҳам мавжуд. Неолит даврида қароргохларнинг қазиб топилган қолдиқларида ўшқ даврда идишларнинг таги учи килиб тайёрланганлигини кўрсатади (идишлар ерга сиқиб қўйилган). Неолит даврида шарқ мамлакатларида Юнонистонда нафис сопол идишлар тайёрлаш,

саполдан меъморчиликдан фойдаланишни авис олади. Кулолчилик биноларининг бадий қиймати ошиб боради.

Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган археологик қазилмалар XIX-XII асрларда кулолчиликнинг бу ерда анча ривожланганлигини кўрсатади. XIII асрнинг муғуллари ҳужумлари оқибатда нисбатан секин ривожланган. Кулолчилик XIV-XVI асрларда анча таркалган эди. Ўрта осиёнинг бўлиниб кетиши ўзаро алоқалар сусайишини келтириб чиқаради, лекин ҳунурмандчилик айниқса, кулолчилик ривожлантиришда давом этди. Турли жойларда кулолчиликнинг турлича усуллари вужудга келган. Лой тайёрлаш билан биргаликда улар юксак дид билан безайдилар. Россиядан кўплаб чиннининг маҳсулотлар келтириши Ўрта Осиё планлари билан бозорини бирмунча сусайтирди.

Бироқ арзон сопол идишларга бўлган талаб айниқса меъморчиликда кулолчилик маҳсулотларининг кенг қўлланилиши кулолчиликнинг узлуксиз ривожланиши такозо этади.

Ўрта Осиёда айниқса Ўзбекистонда Ўзбекларга ва Тожиқлар яшайдиган жойларда таркалди. Қаратог, Пинжикент, Самарканд, Китоб, Шахрисабз, Ғиждувон, Хоразм, Тошкент, Ғурумсарой, Пиштонда сопол идишларини сирлаб безатишнинг ўзига хос

усуллари вужудга келди. Бу марказларда тайёрланган кулолчилик буюмлари силлиқ, чиройли, нафис сири кўркам нақшлари билан диққатни тортади.

XX асрнинг 20 йилларидан куллолар меҳнатини ташкил этишга эътибор берилди. Тошкентда тажриба кулолчилик, Самаркандда кулолчилик устахоналари очилди, Тошкентда ўқув бадий кулолчилик ишга туширилди. 1932 йил. Қисқа муддатли курслар ташкил қилинди, кулоллар тайёрлаш уларнинг малакаларини ошириш йўлга қўйилди. Т.Мирамиров, (Тошкент), Р.Эгамбердиев (Шахрисабз), Мухаммад Сиддиқ, Усмон Умаров, (Ғиждувон), сингари кулолларёшларга таълим бердилар. Кулолчиликнинг тадқиқ этиш, ривожланиши, ёшлардан кулоллар рассоми Мухиддин Рахимовнинг хизмати катта.

Археологик материаллар кулолчилик маҳсулотларининг асрлар давомида такомиллашиб борганликларини кўрсатади. Меъморчиликда ҳам кулолчилик маҳсулотлари ҳозирги кунда безатиш усуллари шакли ва тайёрлаш усулига кўра кулолчилик мактаблари мавжуд: Фарғона (асосий марказлари Риштон, Ғурумсарой), Бухоро, Самарқанд (асосий марказлари Ургут, Ғиждувон) Хоразм (асосий марказлари Мадир,

Каттабоғ кишлоклари). Тошкент ҳар бир мактаб ўзининг ривожларини ва ижтимоий томонлари етакчи марказ ва усуллари ўзигагина хос хусусиятга эга бўлиши билан бирга асосий бадиий умумийликни ҳам сақалаган.

Бухоро, Самарканд кулолчилик мактаблари буюмларининг жарангдорликда корғошин сири ва саргиш яшил, жигарранг бўёқлар муҳим ўрин тутди. “Афросиёб санъати” анъаналарига кўра тайёрланган буюмлар безашда ўсимликсимон нақшлар етакчи симонлик қилади, хандасавий нақшлар ҳайвонлар тасвирини ҳам ишлтилади. Ғиждувон, Шахрисабз усталари мўйқаламда ишласалар, Ургут, Дилнаф усталари чизма нақшлари куп кулландилар.

1997 йилда президентимиз томонидан “Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий ҳунармандчилик санъатининг янада ривожлантириш давлат йўли билан қўллабқувватлаш йўли чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони барча ҳунармандларни шу қаторда кулолчиликка ҳам қайта эътибор қаратилмоқда.



**ИШ ЖАРАЁНИ**

## **ЎҚУВ УСЛУБИЙ ҚИСМ**

### **ПЕДАГОГ КАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК**

“Педагогика” сўзи грекча сўзидан олинган бўлиб икки сўз – “пайс”, яъни бола ҳамда “эгейн”, яъни бошлаб бориш, бошқариши, тарбиялаш деган сўзлардан келиб чиққан.

Педагогика ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш тўғрисидаги фандир. Кишилиқ фаолияти тараккий этиши билан одамларнинг меҳнат фаолияти процессида уларнинг ишлаб чиқариш тажрибалари, меҳнат малакалари пайдо бўлди ва улар

Ўзгариб, ортга борди улар турли меҳнат қуролларини ишлата билиш кўникмалари ҳосил бўлади ва бу қуролларни такомиллаштириш қобилиятини, нутқ ва тафаккур ўсиб, ривожланиб борди. Кекса авлод меҳнат процессида ортилган тажрибаси асосида ўсиб келаётган ёш авлодни ҳам меҳнатда иштирок этишга ўргатади.

Тарбия кишилик эамияти практик жараёнининг объектив заруриятидан келиб чиқди, шу жамият билан бирга ривожлана борди. Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида кишилар ортирган тажрибаларининг бойиб бориши билан табиат ва ижтимоий, ҳаёт ҳақидаги билимларнинг орта бориши билан меҳнатда орттирган тажрибаларни ёш авлодга ўргатиш прцесси ҳам мураккаблашиб борди. Тарбия мохирлик ва шунинг кўзини билишликни талаб этди. Тарбияни амалга ошириш процессини англаш ва бу соҳадаги тажрибаларини ўрганишга эҳтиёжнинг туғилиши натижасида педагогика фани юзага келди.

Кишининг касби қанчалик мураккаб бўлса, унда шу кадар юқори маданиятли бўлиши талаб қилинади. Педагог яъни ўқитувчилик касби ҳам мураккаб касблардпан биридир. Ҳозирги замон ўқитувчи зиммасига ёш авлодни жисмоний жихатдан пишиқ,

рухан тетик, билимдон ватанпарварлик мамлакатимизда демократикжамият курилишнинг актив бинокори килиб етиштириш вазифасини бажаради. Шунинг учун ҳам у кенг маълумотли ва юксак маданиятли бўлиши лозим.

Ўтувчи қанчалик маълумотли, ишнинг кўзини биладиган бўлса, ўз малакасини тинмай ошириб борса унинг мактабда ва мактабдан тшқари қилинадиган ишлар соҳасида эришадиган муваффақиятлари ҳам шунчалик серхурматли бўлади. Бундай уқитувчи ўзи ишлаётган синфда дарсни педагог ва дидактик талаблар асосида пухта уюштиради, ҳам бир ўқитувчининг психологик хусусиятларини истейдод ва қобилиятини дарсни ўзлаштириши ёки ўзлаштириа олмаслик сабабларини ўқитувчинингг ички дунёси тезда билиб олади.

Бу эса ўша ўқитувчи ишлаётган синфда бу умуман мактабда таълим ва тарбия ишларининг тўғри йўлга қўйилишига ёрдам беради. Бунинг учун у доимо мактаб ва халқ маорифига доир адабиётлар билан танишиб бориши ўзи ўқитадиган предетни яхши билиши керак.

## **ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Касбий таълим деганда талабаларнинг муайян типдаги ўқув

юртида (лицей, коллеж, институтлар) ўқиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда системага солинган билим, масала ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади. Бу билим малака ва кўникмалар доирас энг муҳим фактлар, миллий тушунчалар, қонун ва назарияларнинг, дунёқараш ғояларни, ахлоқий ҳам нормалар ва идеаларни талабаларнинг кўрсатилган маълумотларини ўрганиши уларнинг илмий тафаккури ва

иждоиди қобилиятларини ривожлантириш усуллари ҳақидаги материалларни шунингдек масала ва кўникмаларни шу жумлада солинган билимларни амалда қўллаш ва янги замонавий билимларни (компютер ва бошқалар) амалда қўллаш ва янги билимларни эгаллашдаги малака ҳамда кўникмаларни ўзичига олади. Касбий таълимнинг мазмунидир қатор факторларни ҳисобга олиш қатор билан белгиланади бу факторларнинг асослари қуйидагилардир. а) ижтимоий ишлаб чиқаришнинг объектив эҳтиёжлари ҳамда фан ва техника тараққиёт даражаси ижтимоий тузумнинг характери, бунга давлатимизнинг ҳозирги пайтда олиб бораётган касбий таълим назарияси ва маънавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш чора-тадбирлари ҳақидаги босқичма-босқич ислохотлари киради.

б)Давлатнинг муайян турдаги ўқув юрти олдига қўядиган мақсад ҳамда вазифалари бундай типдаги ўқув юртлари сирасига ўқиш муддатикамида3 йил ўлган академик лицейлар ва Касбий коллежлар кири булар олдига “Ижодий ва ижтимоий” фаоллиги билан ажралиб турадиган юқори умумий касбий маданиятни касб этган мутахассислар янги баркамол авлодни шакллантиришни мақсад қилиб қўяди. Бундай баркамол авлодни шакллантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 1998-йил 24 февралда қабул қилган “Академик лицейлар ва касбий коллежлар ташкил этиш ҳамда улар фаолиятини бошқариш тўғрисида”ги қарори касбий коллежлар учун малакали педагог ва муҳандис-педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларини ҳам белгилаб беради. “Касбий таълим” дастурини ишлаб чиқиш вақтида бир қанча талаблар ҳисобга олиши лозим. Дастурнинг мазмуни дидактик принципларга тўла-тўқисжавоб бериши. Мураккабликнинг ўсиб бориши ҳисобига олинган ҳолда ва касбий таълимнинг танланган дидактик системасига мувофиқ равишда муайян изчилликда баён қилиниши мисолида кўриш мумкин.

## **ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

Инновация (инглизча innovation) янгилик киритиши, янгилик демакдир жараён ҳамда ўқитувчи ва твалаба фаолиятига янгилик, ўзгаришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерфаол услублардан фойдаланилади.

Интерфаол (“Inter” – бу ўзаро, “act” ғаракат килмоқ) – ўзаро ҳаракат килмоқ ёки ким биландир суҳбат, мулокот тартибида бўйишини англатади. Бошқароқ сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиятлари – билиш ва комуникатиф фаолиятини ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, уни таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинган бўладилар, улар биладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушиниш, фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабаларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Бу услубларининг ўзига хослиги шундаки, улар факат педагог ва талабаларнинг биргаликда фаолият кўрсатиши оркали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлиб,, уларга:

- Талабанинг дарс давомида бефарк бўлмаслиги, мустакил фикрлаш, ижод қилиш ва изланишга мажбур этади;
- Талабаларнинг ўқув жараёнида фанга бўлган қизиқишларининг доимийлигини таъминлайди.
- Талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини мустакил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтиради;
- Педагог ва талабаларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини доимий равишда ташкил этади.

Баъзи ўқитувчилар, тадқиқотчилар ва амалиётчиларнинг фикрича, педагогик технология ахборот технологияси билан боғлиқ ҳамда ўқитиш жараёнида қўлланилиши зарур бўлган ўқитишнинг воситалари, компьютер, масофали ўқитиш ёки турли хил воситалар деб таърифланади. Бизнинг фикримизча педагогик технологиянинг энг асосий негизи ўқитувчи ва талабаларнинг белгиланган мақсаддан кафолатланган натижага ҳамкорликда эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияларига боғлиқдир. Ўқитиш жараёнида мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва талабалар ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, ҳар

иккаласи ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида талабалар мустакил фикрлаб, ижодий ишлаб , изланибЮ, тахлил этиб, ўзлари хулоса қила олсалар, ўзларига , гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олса, бизнинг фикримизча ана шу ўқитиш жараёнинг асоси ҳисобланади. Ўқув жараенида педагогик технология бу аник кетма кетликдаги яхлит жараен бўлиб у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиккан холда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойихалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёнидир.











**АТРОФ МУХИТ МУХОФАЗАСИ**

**Атроф мухит мухофазаси**

Табиат дейилганда биз ўзимизни ўраб турган хаво, сув, тупроқ, тоғ жинслари, ўсимлик ва хайвонотларидан иборат мураккаб моддий борлиқни кўз ўнгимизда келтирамиз.

Табиий ресурслар таснифни билиш улардан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эга. Сув ва хаво сифат жиҳатидан тугайдиган ресурс ҳзисобланади. Ўсимлик ва хайвонларни факатгина маълумгина популяцияси сақланиб қолган ҳолдагина қайта тиклаш мумкин. Ер ости қазилмаларини тикланмаслигини ҳисобга олиб, улардан оқилона файланайш муҳим аҳамиятга эга. Одатда, табиий ресурслар реал ва потенциал ресурсларга ҳам бўлинади. Реал ресурслар деб табиатда мавжуд ресурслардан тугридан-тугри фойдаланиш имконини берадиган ресурсларга айтилади. Масалан, сув, хаво, урмон ва ҳақозо ресурслар. Потенциал ресурслар эса табиатдаги ресурсларга қушимча технологиялар, энергия, ишчи қучи, маблаг сарф этиш орқали реал ресурсларга айлантирилади. Бундай ресурс турларига асосан ер ости қазилмаларини қиритиш мумкин. Булардан ташқари табиий ресурслар миллий ва халқаро ресурсларга ҳам ажратилади. Миллий ресурсларга ҳар бир Давлат ҳудудида тарқалган ресурслар қириб,

уларга шу Давлат эгалик килади ва улардан турли мақсадларда фойдаланилади ва муҳофаза қилинади.

Дунё, океан ресурслари, атмосфера ҳавоси, Антрактида табиий ресурслари, космик фазо, қучиб юрۇвчи ҳайвонлар умумжаҳон ресурслар ҳисобланади. Улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш фақатгина халқаро қелишувлар асосида, турли мамлакатлар иштрокидагина мувоффақиятли амалга оширилиши ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосланган йулларини ишлаб чиқиш мумкин.

XX асрнинг 50 йилларидан бошлаб фан ва техниканинг жадал ривожланиши инсониятнинг табиатга нисбатан таъсири даражасини кескин ортиб қетишига олиб келди. Инсонлар қудратли техника ва транспортлар ёрдамида биосферадаги модда ва энергия алмашинуви жараёнига бевосита таъсир қурсатиб, айрим ҳудудларга табиий мувозанатни бузилишига сабаб бўладилар. Табиий ресурсларни қуплаб узлаштирилиши, саноат ишлаб чиқаришнинг ортиши, техника транспорт воситалари сонининг қупайиши атроф муҳитни қучли ифлосланиши муаммосини келтириб чиқаради. Ҳозирги кунда инсоният эҳтиёжини қондириш учун ер оқидан 120 млрд.тоннадан ортиқ фойдали қазилмалар

казиб олинади. Шунингдек, турли ишлаб чиқариш тармоқларида йилига 4000 км кубдан ортиқ сув ишлатилади. Ёниш жараёнларида эса йилига 15 млрд.тонна кислород сарф булади. ЮНЕП маълумотларига кўра(1995 йил.) ҳар секундда атмосферага 200 тоннадан ортиқ карбон газини чиқарилмоқда ва 750 тонна унумдор тупроқ қатлами йўқотилмоқда. Ҳар куни 47 минг гектар урмон қесилмоқда. 346 минг гектар ерлар қўлга айланмоқда. Тахминан 100-300 тур усимлик тури йўқолмоқда.

Табиатга нисбатан бундай таъсирнинг қучайишига аҳоли сонининг кескин ошиб боришига ҳам бевосита боғлиқ. Сайёрамизда XX аср бошларида 1 млрд.600млн.киши яшаган бўлса, 1960 йилга бориб уларнинг сони 3млрд.га, 2000 йилда эса аҳоли сони 6 млрд.дан ортиши кутилмоқда. Экологик инкирознинг оддини олиш, табиий ресурслардан унумли фойдаланиш, атроф-муҳитни ифлосланишдан сақлаш ва демография муаммоларини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир.

Фан ва техника таракқиёти урбанизация жараёнини жадаллашувига олиб келди. Урбанизация - шаҳарлар салмогининг ортиб бориши, шаҳар қурилиш тарзининг кенг ёйилишидир. Ҳозирда ер юзи аҳолисининг ярмидан ортиги шаҳарларда

яшамокда. Аҳоли саноат ва транспорт зич жойлашган шаҳарлар биосферани ифлословчи асосий манбалар ҳисобланади. Йирик шаҳарлар ҳар куни атроф муҳитга минглаб тонна захарли бирикмалар, ифлос оқавалар, каттик чикиндилар, иссиқлик чиқариб туради. Шаҳарлар аҳолисининг касалланиш даражаси ҳам юқори ҳисобланади.

Атроф муҳитни муҳофаза қилишда табиатдаги жараён ва ҳодисаларнинг узвий боғлиқлиги, ресурслардан фойдаланишда маҳаллий шароитларни ҳисобга олиш, бир ресурслар ёки табиат компонентини муҳофаза қилиш орқали бошқа компонентларнинг ҳам муҳофазасини таъминлаш, ишлаб чиқариш жараёнида табиатни муҳофаза қилиш қаби принцип ва қоидаларга амал қилиш лозим.

Инсон қундалик ҳаёт эҳтиёжларини қондириш учун табиатни узгартиради ва ундан фойдаланади. Табиатдан фойдаланиш муҳим сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий муаммо ҳисобланади. Табиий ресурслардан фойдаланиш муҳитнинг ифлосланишини давлатлараро қелишмовчилик, ҳатто уруш ҳаракатларини келтириб чиқариши мумкин. Табиатдан фойдаланиш талабларини бузилиши эса катта иқтисодий зарар етказади.

Куп йиллар давомида хом ашё базаси булиб келган  
Узбекистонда табиий мухит ҳолати анча аянчли аҳволга келиб  
колган. Ер ости бойликларини исрофгарчилик билан  
узлаштирилиши натижасида катта майдонлардаги унумдор ерлар  
яроқсиз аҳволга тушиб колган. Сув, ҳаво, тупроқ ифлосланган.  
Сугориладиган ерларни эрозия, чулға айланиши, шурланиш  
жараёнлари тезлашган. Йирик саноат марказлари, катта шаҳарларда  
мураккаб экологик вазият кузатилмоқда. Орол денгизи, Оролбуйи  
муаммолари янада куплаб экологик жумбоқларни келтириб  
чиқармоқда. Узбекистонда турли касалликларни купайиши ва  
атроф мухитни ифлосланиши уртасида бевосита боғланишлар  
кузатилмоқда.



## **ХАЁТИЙ ФАОЛИЯТ ХАВФСИЗЛИГИ**

### **“Хаётий фаолият хавфсизлиги”**

Битирув малакавий ишим “Махобатли бадий керамик композициясини яратиш” мавзусида бўлиб, унда лойиханинг архитектуравий, меъморий режавий ва ландшафт дизайн ечим масаласини қараб чиқилган.

Битирув малакавий ишида ўқувчилар учун хавфсизликни таъминлаш, ёнғин ва электр хавфсизлигини ошириш, зилзиладан ва ёнғин-сочинлардан одамларни муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўриб чиқилган.

Шунинг учун ҳам битирув малакавий ишининг “Ҳаётий фаолият хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси” бўлимида мен асосий эътиборни ҳар қандай жойда ҳам, исталган пайтда ҳам содир бўлиш эҳтимоли бўлган тез-тез юз берадиган ёнғин, портлаш, электр хавфсизлиги, ҳаво ҳароратининг кескин совуб ва исиб кетишига қаратдим.

Битирув малакавий ишларини бажаришда рангларни таъсири бир хиллик одамда салбий таъсир этиб инсон организми химоясини ва асабни макразлашувини камайтиради. Яъни диққатни бир ерга жамлай олмайди.

Ишлаб чиқариш эстетикасини жорий қилиш, хоналарни ва интерьерни кўзни қамаштирмайдиган рангда бўйаш, ёритиш, мусиқа, безаш толиқишнинг олдини олиши, руҳий физиологик йўналиш ҳисобланади. Кўпчилик ишлаб чиқариш биноларининг рангини яшил рангга бўйаш мақсадга мувофиқ, чунки бу ранг таъсирсиз бўлиб, марказий асаб тизимини уйғотишга ҳам тормозлашга ҳам сабаб бўлмайди. Асабга тормозловчи таъсир кўрсатадиган кўк ва ҳаво ранг бўёқлар билан иссиқликни кўп ажратадиган ёки шовқин ҳосил қиладиган хоналарнинг ускуналарини бўйаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қизил, сарик ранглар кўзга таъсир кўрсатади, шунинг учун улардан ишчилар қисқа ишлайдиган, яъни созлаш ва таъмирлаш ишларини бажариш вақтидагина бўладиган хоналарда фойдаланиш мумкин.

Бироқ хона ва ускуналарни бир хил ранг билан бўяш тавсия этилмайди, чунки бундай бир хиллик одамга салбий таъсир этиб, инсон организми ҳимоясини ва асабни марказлашувини камайтиради. Бўёқлардан, шунингдек, ишора ёки эҳтиёткорлик мақсадида ҳам фойдаланилади. Транспорт воситалари, цехдаги жумраклар ва бошқа ишлаб чиқаришда шикастланиш ҳолларининг камайишига олиб келади. Цех ва бошқа жойларни унумли ёритиш ёруғликнинг бир текис тарқалиши, цехнинг ички томонларини бадийий безатиш чиройли ва қулай иш кийими толиқишнинг олдини олади. Меҳнатнинг тиббий шароитларини яхшилаш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларига мувофиқ қилиш, ишлаб чиқариш муҳитининг гигиеник талабларига мувофиқ меҳнат унумдорлигини ошириш йўлларида бири ҳисобланади. Чанг, газ, шовқин ва тебранишларни камайтириш, меъёрий микроиклим яратиш, буларнинг ҳаммаси касбий алоқаси бўлмаган

касаликларнинг олдини олиш учунгина эмас, балки иш қобилиятининг юксак бўлиши учун ҳам зарур шароит ҳисобланади.

## ХУЛОСА

## Хулоса

Ҳеч иккаламасдан айтиш мумкинки, санъатга бўлган қизиқишим мени айнан шу ўқув даргоҳининг “Архитектура” факультетининг “Касбий таълим” йўналишига ҳужжат топширишимга сабаб бўлди. Мен бундан ҳеч ҳам пушаймон эмасман.

Чунки тўрт йиллик ўқиш давомида, устозлардан санъат сирларини ўргандим. Ўзим учун зарур бўлган билим ва кўникмаларга бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлдим.

Албатта бунинг учун деканимиз Абдураимов М.М. раҳбарлик қилаётган факультетимиз устоз ва мураббийлардан миннатдорман. Юқорида таъкидлаб ўтканимдек, биз талабаларнинг шу даражага етишишимизга устозларнинг тинимсиз меҳнати ётибди. Уларнинг

бизга синган меҳнатларини оқлаш мақсадида, диплом ишимни, талаб даражада бажаришга баҳоли қудрат ҳаракат қилдим.

Мен эса ўз навбатида бу малакавий ишимни бажаришда ёрдам берган ва ўз меҳнатини аямаган диплом раҳбарим Султонова Дилшодага ва Бердиев Баҳром Тоировичга каттадан катта миннатдорчилигимни билдираман.

Албатта, диплом ишимни баҳолаш, ҳурматли ДАК раиси ва комиссия аъзоларининг ҳукмига ҳавола.

Яна бир марта устозларимга улар қаторида Бердиев Баҳром Тоировичга ҳам чексиз ҳурматли баён этаман.

## **АДАБИЁТЛАР**

### **Адабиётлар**

1. И.А.Каримов “Ўзбекистон 21 асрга интилмоқда”
2. И.А.Каримов “Юксак маънавият енгилмас куч”
3. И.А.Каримов “21 аср бўсаҳасида хавфсизликка таҳлид баркарорлик шартлар ҳамда тараккиёт кафолатлари”
4. Шабаратов П.П. композиция-Т “Янги аср авлоди” 2007 йил.

5. Ғуломов К.М. “Амалий санъат” Т.Иқтисод молия 2008
6. Қосимов К. Наққошлик Т, Ўқитувчи 1990
7. Азимов И. Ўзбекистон нақши нигоралари Т.Ғ.Ғуломов  
номидаги адабиёт ва санъат нашрети 1987
8. А.Холиқов Педагогик маҳорат 2001
9. Рахимов А.,Абраев К. “Битирув малакавий ишларни бажариш  
учун услубий кўрсатма” Самарканд СамДАҚИ 2013 й.
10. И.Олимов “Касб таълим услубияти 2004”
11. W.W.W Ziyonet.uz.
12. W.W.W. Kulol.uz.